

VI - yil 2012

Мақдури исан, бахти исан, эркин ва обод Ватан!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

27
(1033)-son

6-iyul

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

Излаганингизни топдингизми?



5-бет

ИНТЕРНЕТ — бу биз яшаб турган оламнинг кўзгудаги акси. Компьютер монитори олдида ўтириб, бемалол дунёмиз аксини кўра оласиз. Биргина фарқ бор — биз тараф реал ҳаёт, у тараф эса виртуал. У олам виртуал бўлса-да, бизнинг реал ҳаётимизга таъсир ўтказа олади ва бу таъсир доираси ҳамда кучи йил сайин тобора ортиб бормоқда. Интернет таъсирида ва воситасида касб танлаётганлар, билим олаётган, таниш орттираётган, оила кураётган, хориж билан алоқа ўрнатаётган, тадбиркорликни йўлга қўяётганлар (ва ҳоказо) сони ортиб борапти. Сизга нимадир керак бўлиб қолдими ёки ниманидир қидириб топмоқчимисиз, дарҳол интернетга мурожаат қиласиз. Кўпинча бу мурожаатдан ижобий жавоб оласиз. Айтиш мумкинки, сизга қидирилаётган маълумотларни бир неча сонияларда топиб берувчи ўзига хос диспетчер — қидирув тизимлари ҳисобланади.

Интернетдан фойдаланувчилар орасида қидирув тизимларидан фойдаланмайдиганлари жуда кам топилса керак. Google каби қидирув тизимлари салкам интернет сўзининг синонимига айланган.



Яхши кунлар шукуҳи

Хусан Каримов "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан ҳар йили ўтказилиб келинаётган "Энг муҳир матбуот тарқатувчи" кўрик-танловида бу йил биринчи ўринни эгаллаб, биринчи даражали диплом ҳамда "TCL" русумли телевизор билан мукофотланди.

У пойтахтимизнинг энг гузал масканларидан бири — Навоий шохқўчасида, барча учун сеvimли маданият даргоҳи саналмиш Ўзбек Миллий академик драма театрининг ёнгинасида жойлашган 295- "Матбуот" дўкони сотувчиси. Шаҳримиз матбуот тарқатувчиларининг талабчан ва сеvimли устози. Уларнинг кўпчилиги Хусан аканинг дўконида иш ўрганишган. Ҳозир ҳам "Матбуот" дўкони сотувчилигини орзу қилган ёшлар дастлаб унинг қўлида сигналишади. Янги ходимнинг ишга қабул қилинишида устознинг баҳоси муҳим рол ўйнайди.

3-бет

Сўнги янгилик!

Токио университети тадқиқотчилари профессор Йочиаки Оичаи кўл остида жаҳондаги энг юпқа экран устида иш олиб боришяпти. Эcran асосини совун кўпиги... ташкил этади.

Тадқиқотчилар "кўпикли" экран ясси, текстуралли ва ҳатто уч ўлчамли тасвирларни намоиш этишини айтишмоқда.

Япон олимлари тасвир инсон қулоғига чалинмайдиган ултраовуш тўлқинлари орқали бошқарилишини билдиришди. Битта овоз проектори ёрдамида икки ўлчамли, иккита проектор воситасида уч ўлчамли тасвир шакллантирилади.

Янги ишланма шу йилнинг август ойида Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган Siggraph 2012 кўргазмасига таъёр бўлиши маълум қилинган.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Сирдарёда ижро интизоми қандай?	2
■ Таълимда компьютер саводхонлиги	3
■ Молодым о науке	6
■ Ҳамкорлик ҳикмати	11
■ Ёшлар ва интернет	12
■ Уч аср гувоҳи	16

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Наслчилик тўғрисида"ги қонун талабларининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан жиро этилиши ҳақидаги назорат-таҳлил фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Зарафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан "Истеъмол бозорини ривожлантириш ва оиланинг реал даромадларини ошириш: қонунчилик, амалиёт ва муаммолар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг Испания Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дилшод Аҳатов (қароргоҳи Берлинда) ушбу мамлакат қироли Хуан Карлос Iга ишонч ёрликларини тоширди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросининг аҳоли муҳокама этилиб, келгусида бажарилиши зарур бўлган ишлар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида академик лицей ва касб-хўнаар коллежларининг инглиз тили ўқитувчилари учун бир ҳафталик малака ошириш курслари ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган 24 нафар ўқитувчи малака ошириб, тегишли сертификатга эга бўлишди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида Саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Мазкур ҳафталик тадбирлари Сирдарё, Навоий, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларида бўлиб ўтди. Саломатлик ҳафталиги тадбирларида аҳоли Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий текшириш институтларининг етакчи олимлари, малакали мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

Сирдарёда ижро интизоми қандай?

Дастлаб "Агентликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала юзасидан Агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи А.Каримов маъруза қилди.

Маърузачи Агентликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур вилоятдаги таркибий бўлинмаларида ўрганишлар еттига асосий йўналиш бўйича олиб борилганлигини, улар натижасида ижобий ҳолатлар ва камчиликлар аниқланганлигини маълум қилди. Хусусан, Сирдарё вилояти ДАИга 2011 йил бошидан то ўрганиш ўтказилган кунга қадар почта ва телекоммуникация хизматлари иш сифати бўйича жами 25та мурожаат келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиши таъминланган. Ана шу мурожаатларнинг 24таси (96 фоизи) асосли деб топилган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалида тегишли йўриқнома талабларига қисман риоя қилинмаган. Филиалда фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш бўйича алоҳида кириш ва чиқиш журналлари тутилган, фуқаро мурожаатлари бўйича чиқиш хатларига рақамлар қўйишда камчиликларга йўл қўйилган.

"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиалига 2011 йил бошидан то ўрганиш ўтказилган кунга қадар жами 37та мурожаат келиб тушган бўлиб, унинг 25таси (6,2 фоизи) асосли деб топилган. 2011 йил биринчи чорак билан 2012 йил биринчи чорак солиштирилганда, асосли мурожаатлар сони 66,7 фоизга камайган. Филиал раҳбари томонидан шикоятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари кўрилган.

Вилоятдаги барча филиал ва бўлинмалар томонидан электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилиши юзасидан ва ундан фойдаланиш самара-

CDMA-450 симсиз алоқа тизими орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 82та объекти, 2987та мактаб, 75та алоқа ва ахборотлаштириш йўналишидаги кол-лечлар, 39та қишлоқ врачлик пункти имтиёзли тариф асосида телефонлаштирилди. Шунингдек, 3584та умумтаълим мактаби Ziyonet тармоғига махсус шартлар асосида уланган.

дорлиги ҳамда ички идоравий ёёишмаларни кескин қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қовозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича филиал ва бўлинмалар томонидан таҳлилий маълумотлар олиб борилган ҳамда қовоз сарфи тежалишига эришилган. Масалан, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалида 37,4 фоизга, вилоят АКМда 27, вилоят махсус алоқа боғламасида 10,7, "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиалида 15,6, Давлат фелдъегерлик хизмати вилоят бўлинмасида 25 фоиз қовоз тежалган.

Ҳайъатда вилоятдаги қуйи таркибий бўлинмаларда иш юритишни амалдаги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилишини ва ҳужжатлар билан ишлашда локайдликка чек қўйишни таъминлаш, иш юритиш ва ижро интизомининг бажарилишида маъсулиятни ошириш ҳамда бу йўналишда хато ва камчиликларга йўл қўйган маъсул шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш, юқори турувчи ташкилотнинг буйруқ ва фармойишлари асосида ички ташкилий-бошқарув ҳужжатини кечиктирмасдан ишлаб чиқиш ва ўз вақтида қабул қилиш,

фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида хал этиш ва келгусида асосли шикоятлар келиб тушишининг олдини олиш масалалари юзасидан

тегишли тавсиялар берилди.

Кун тартибдаги иккинчи масала — "Ўзбектелеком" АК CDMA-450 симсиз алоқа тизимини модернизация қилиш, шунингдек, қишлоқ ва олис аҳоли яшаш пунктларида замонавий телекоммуникация хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Қ.Юлдашев маъруза қилди. Маърузачи ҳозирги кунда "Ўзбектелеком" АКнинг "ЎзМобайл" филиали тармоғида 277та база станцияси борлигини, шулардан 45таси EVDO технологияси асосида хизмат кўрсатиб келаётганини маълум қилди. Мазкур тармоқ орқали республика умумий ҳудудининг 20 фоизи, аҳоли яшаш ҳудудларининг 55-60 фоизи алоқа қамрови билан таъминланган бўлиб, жами 11831та аҳоли масканидан 6875тасига хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳозирги кунда "ЎзМобайл" филиали CDMA-450 мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган барча ишлар тасдиқланган тармоқ графиги асосида олиб борилмоқда. Ўтказилган тендер савдолари асосида голиб компаниялар билан тегишли шартномалар имзоланди. Лойиҳанинг мақсади — қўшимча 89та янги база станциясини ўрнатиш, коммутация марказлари сифимини 130 000 абонентга кенгайтиришдир.

Агар лойиҳа тўлиқ амалга оширилса, кенг полосали хизмат кўрсатиш имкониятига эга тармоқ қамрови, шу жумладан, олис аҳоли яшаш масканларида кенгайтириш, "Ўзбекэнерго" ДАК билан биргаликда АСКУЭ тизимини жорий қилиш, ягона умумпроцессинг маркази билан биргаликда Uzcard тизимини онлайн тизимига ўтказиш, транк алоқа (РТТ — Push To Talk) хизматини жорий этиш, симли алоқа имконияти мавжуд бўлмаган почта алоқаси шохобчаларини телефонлаштириш ва VPN тармоғини ҳосил қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш имкониятлари яратилади.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

ФАКТ

2012/2013 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56607 нафар талаба қабули белгиланган бўлса, шундан 19 340 нафари давлат гранти, 37267 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Олий таълим муассасаларига 6300 нафар магистр, шунинг 1 566 нафари давлат гранти, 4 734 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

Давлат тест маркази тест сновлари натижасини ўтган йилларга нисбатан янада такомиллаштирилган ҳолда замонавий ахборот технологиялари воситалари орқали эълон қилишни режалаштирмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Матбуот тарқатувчилик менга ота касб, — дейди Хусан Каримов. — Отам Акбар Каримовнинг асли касби ўқитувчилик бўлса-да, бутун умр "Матбуот" дўконида сотувчи бўлиб ишлаган. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида иш бошлаган отамга биз фарзандлар ҳам кўмаклашар эдик. Бизнинг ёрдамимиз — иккитадан тахлаб келтирилган газеталарни очиб, битталаб териб чиқардик. Шу тариқа Анвар акам ва Насиба келиноним, Хусан акам ва мен ота касбини танладик. Менинг ҳам асли касбим ўқитувчилик, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факултетини тамомлаб, оз фурсат ўқитувчилик қилганман. Лекин қизиқиш устун келиб "Матбуот" дўкони сотувчилигига ишга ўтганман. Ҳарқалай олий маълумот эгаси бўлганимнинг фойдаси кўп тегади иш жараёнимда. Негаки, ҳар бир "Матбуот" дўкони сотувчиси ўқимишли, бугунги кун сўбатидан хабардор бўлиши керак. Сабаби, дўконга келувчи мижозларнинг ўзи ана шундай инсонлар бўлиб, улар ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари ёки ўзини қизиқтирган бирор мавзу қайси газетادا чоп этилганини сўрашади. Унга керакли матбуот нашрини топиб бериш учун аввало ўзингиз билишингиз керак. Шунинг учун дўконини очиб, дастлаб ҳар бир нашрни бир қўздан кечириб чиқаман. Мижоз баҳона ўзим ҳам аячмунча нарсани билиб оламан.

Яхши кунлар шукуҳи

Хусан ака билан суҳбатимиз давомида кўпгина одамлар келиб, турли матбуот нашрларидан харид қилиб кетишди. Улардан бирини суҳбатга тортдик.

— Шу дўкон ортидаги уйлардан бирда яшайман, — деди ўзини таништира туриб меҳнат фахрийси Роза Тян. — Деярли 30 йилдан бери Хусан ака дўконининг мижозиман. Бошқа дўконларда ҳам, қани эди у каби хушмуомала, хозиржавоб, ҳалол инсонлар ишлаша. Менинг бу сўзларимни барча мижозлар минавддорлиги сифатида қабул қилсангиз.


— Икки даврни қўрган инсон сифатида истиклолдан кейин юртимизда амалга оширилган ўзгаришларга қандай баҳо берасиз?

— Бу ўзгаришларни нафақат мен каби юртимизнинг оддий фуқаролари, балки жаҳон оммаси юксак баҳоламоқда, — деди қаҳрамонимиз саволимга жавоб берар экан тўлқинланиб. — 21 йил тарихан олиб қараганда гоят қисқа давр. Аммо шу оз фурсат ичида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари,

одамлар руҳиятидаги ўзгаришларни кўриб дилим яйрайди. Пойтахтимизга бундан икки йил олдин келиб кетган одам келса, кўчаларда адашиб кетиши аниқ. Дўконим катта йўл четиди бўлганлиги сабабли бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Бу каби бунёдкорлик ишлари нафақат пойтахтимиз, балки ҳар бир вилоятда олиб бориляпти. Одамлар юрт келажиги бундан-да буюк бўлишига ишонган ҳолда меҳнат қилмоқдалар, ўқиб-изланмоқдалар.

Бир вақтлар фарзандларим биргина рус тилини билган бўлсалар, невараларимнинг бир-бирлари билан турли тилларда гаплашишларини, компютерда бемалол тил ўрганишларини, интернет орқали хориж давлатларидан дўстлар орттирганини кўриб, хайратланаман. Улар чет мамлакатларда ўқиш учун ҳаракат қилишляпти. Бу имкониятларнинг бари истиклолимиз шарофатидан.

Шунингдек, улўф кадриятларимиз қайта тикланди, жаҳонга таниқли буюк



боболаримиз қабрлари ободонлаштирилиб, табаррук зиёратгоҳларга айлантирилди. Газеталаримиз бемалол Куръони Карим оятларидан, пайғамбаримиз хадисларидан парчалар босишмоқда. Бу имкониятлар ҳам мустақиллигимиз шарофатидан.

Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси мустақиллигимизнинг қадрига етиши, уни мустаҳкамлашга баҳоли қудрат хисса кўшмоғи лозим.

Юракдан чиқаётган бу сўзлар юртига садоқатнинг, истиклолимиздан мамнуликнинг бир кўриниши эди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

ЎЗБЕКISTON — MAFTUNKOR DIYOR



Бухоро вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси тасарруфидаги "Матбуот" дўконлари сотувчилари ўртасида "Энг моҳир матбуот тарқатувчи" кўрик-танлови ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу кўрик-танловнинг айнан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арасида ўтказилганлиги мазкур тадбирнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини янада оширди. Танлов якунига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўз олган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ф.Аллаев, вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси раҳбари А.Ҳазратқуллов ва бошқалар соҳа ходимлари, шу жумладан, "Матбуот" дўконлари сотувчиларининг маънавий-маърифий билымларини ошириш, бугунги кун сўбатидан хабардор бўлишларида вилоят микёсида ҳар ойда бир

Муносиб тақдирландилар

марта ўтказиб келинаётган "Маънавият ва маърифат" ўқувлари ўз ўрнига эга эканлигини, ўз навбатида, етарли билим, малака ва ҳаётий тажрибага эга бўлган соҳа ходимлари ўзига хос беллашувларда интидорларини намоён этиб келишаётганини таъкидладилар.

Турган гапки, "Матбуот" дўконлари сотувчиларининг амалий кўникмалари ва назарий билим салоҳиятлари кўрик-танлов давомида яққол кўзга ташланди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, кўрик-танловнинг "Энг фаол иштирокчи" номинациясига Бухоро шаҳридаги 2-"Матбуот" дўкони сотувчиси Лола Ҳамроева лойиқ деб топилди.

"Энг кўп болалар нашрларини сотиш" номинациясида эса Бухородаги 5-дўкон сотувчиси Шохиди Розикова ғолибликни қўлга киритди. Ушбу но-

Таълимда компютер саводхонлиги

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда мактаб таълимни ривожлантириш давлат дастурига мувофиқ таълим муассасаларида АКМ имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўқувчи ўқитувчиларнинг компютер саводхонлиги қанчалик юқори бўлса, дарс машғулотини самарадорлиги ҳам шунчалик ортади. Айниқса, бошланғич таълимда компютер саводхонлиги дарси жорий этилгани тизимнинг катта ютуғи бўлди.

— Мактабимиз ҳам жорий ўқув йилида 10та сўнги русумдаги замонавий компютер билан жиҳозланиб, 2-синф ўқувчиларига компютер саводхонлигидан дарс берилди. Тажрибали мутахассис Аҳмадҷон Саидвалиев билан

мактабимизда компютер саводхонлиги таъминлашнинг аниқ дастури, техника хавфсизлиги қондалари ишлаб чиқилди, — дейди 29-умумтаълим мактаби директори **Неъматҷон Азизов**.

Бошланғич синф ўқувчилари учун махсус жиҳозланган алоҳида информатика хонаси ташкил этилди. Ўқув мебеллари ўқувчилар ёшига мослаштирилди. Ўқувчиларнинг компютердан тўғри фойдаланишлари назорат қилиб борилмақда.

Ёзги таътилда ўқувчилар бўш вақтларини компютер хонасида ўтказишга одатланишган.

Фарзандлари учун яратилган бундай ғамхўрликдан ота-оналар чексиз миннатдорликларини изҳор этмоқдалар.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

минация бўйича 2- ва 3-ўринлар ромитанлик Нарғиза Шукурова ва вобкентлик Хуррият Тиллаевага насиб этди.

Танлов якунида "Энг кўп ижтимоий-сиёсий нашрларни сотиш" номинацияси ғолиблири ҳам аниқланди. Ушбу номинация бўйича фахрли биринчи ўринга Бухоро шаҳридаги 1-"Матбуот" дўкони сотувчиси Мукаддас Ҳамроева муносиб деб топилган бўлса, 2- ва 3-ўринлардан қоракўлик Маъмур Ҳамдамов ҳамда янждувонлик Шаҳноза Ўриновалар жой олдилар.

Шунингдек, "Иқтисодий кўрсаткичлар барқарорлиги" номинациясида яхши натижаларга эришган Бухоро шаҳридаги 21-"Матбуот" дўкони сотувчиси Фотима Раҳимова фахрли биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, мазкур номинациянинг 2- ва 3-ўринлари шо-

фирконлик Бахтигул Хотамова ва қоракўлик Маъмур Ҳамдамовга берилди. Кўрик-танлов якунига кўра, "Дўкон орқали энг кўп обуна расмийлаштирган" номинациясида вобкентлик Жаҳонгир Раҳматов ғолиблар сафидан жой олишга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари, даврий нашрлар обунаси давомида фаол иштирок этган Г.Ҳасанова, корхонада узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган Асадовлар оиласи ҳам кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан муносиб тарзда тақдирландилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларига тегишли даражадаги диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Xalqaro hayot



ЯПОНИЯлик олимлар антиқа тураржой биноси лойиҳасини яратдилар. Унинг бошқа уйлاردан фарқли жиҳати шундаки, ушбу тураржой биноси электр таъминоти тизимини мустақил бошқара олади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида қурилажак бундай уй томга қуёш нуридан тўғри фойдалана оладиган панеллар, махсус ёқилғи элементлари ҳамда электр энергияси тўплагичи ўрнатилди. Бу ҳавога чиқадиган захарли газларни 80 фоизга қисқартиради.

Мутахассисларнинг фикрича, йилнинг қайси мавсуми бўлишидан қатъи назар, бинога ўрнатилган махсус электрон асбоблар уни иссиқлик ва ёруғлик энергияси билан керакли миқдорда таъминлаб туради. Худуди 150 квадрат метрга тенг мазкур икки қаватли бино йилга беш тонна карбонат кислота газини ҳавога чиқшидан сақлаб қолади. Бундай "ақлли уйлар"ни барпо этишни 2015 йилдан кенг йўлга қўйиш режалаштирилган.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзоси ва Германия, шунингдек, Эрон Истамбулда Эрон ядро муаммоси бўйича кенг қўламдаги музокараларни янгилашга қаратилган иштирокчиларини намойиш қилдилар, хабар беради "Вашингтон пост" газетаси.

"АҚШ ва дунёнинг бошқа йирик давлатлари Эрон билан мазкур мамлакат бойитилган урандан ҳарбий мақсадларда фойдаланмасликка, музокараларда илгари сурилган фикрларни инobatта олишга келишиб олдилар", — дейлади хабарда.

ШВЕЙЦАРИЯ олимлари фалаж хасталигини даволайдиган янги препарат яратдилар. Ушбу дори воситаси бош миёнага қон қуйилиши оқибатида ишлаш фаолияти тўхтаган тана аъзоларини самарали даволайди.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, олиб борилган тадқиқотлар жараёнида мазкур хасталикка чалинган айрим беморлар физиотерапия курслари билан шугулланиш баробарида янги препаратни ҳам истеъмол қилган. Уч ойлик даволаш курси натижасида тана аъзолари фаолиятини қарийб икки марта фаоллаштиришга эришилган.

ЯНГИ МОСКВАда "элчихона шаҳарчаси" қурилиши режалаштирилмоқда. Шаҳар мэрининг айтишича, 1 июлдан Москвага қўшилган янги ҳудудда хорижий дипломатик ваколатхоналар қуриш имконияти кўриб чиқилмоқда. Элчихоналарни, масалан, Москвадан ғарбда, Успенский туманида жойлаштириш мумкин. Фақат мазкур масаланинг якуний қарори барча масъул раҳбарлар билан келишилиши керак.

Эслаб ўтамиз, Москва ҳудудини кенгайтириш ҳақидаги қарор жорий йилнинг 1 июлидан қонуний кучга кирди. Натижада шаҳар майдони 1070дан 2510 квадрат километрга ўсиб, деярли 2,4 мартага катталашди. Шундай қилиб, Россия пойтахти 31-ўрндан олтинчи поғонага кўтарилиб, дунёнинг майдони бўйича энг катта шаҳарлар ўнлигига кирди.

"Кремний водийси" бўшаб қоладими?

Америкадаги машҳур "Кремний водийси" яқин тўрт йилда ўз мавқеини буткул йўқотиши мумкин. KPMG Tech Innovation Survey 2012 сўровномасида қатнашган компаниялар бош директорларининг ярмидан кўпи шу фикрни билдиришди. Табиийки, АҚШ ҳам жаҳоннинг бош инноватори нуфузини бой беради.

Сўровномада қатнашганларнинг 45 фоизи жаҳон технологиялар янги маркази Хитойга кўчишини эҳтимолда тутишган. Кейинги даъвогарлар: Ҳиндистон (21 фоиз), Япония ва Жанубий Корея (ҳар бири 9 фоиз) ва Исроил.

Ушбу тадқиқот келгусида АҚШ ва Хитой умумсаёравий технологик жараёнларнинг бошида туришини кўрсатди.



Қайси технологиялар энг олға силжийди, деган саволга қатнашчиларнинг 28 фоизи мобил технологиялар, 17 фоизи булутли тизимлар, 13 фоизи такомиллашган АТ ва уч ўлчамли технологияларни тилга олишган.

АТ-хабарлар



Twitter компаниясининг хабар беришича, футбол бўйича Евро 2012 финал матчи чоғида мазкур микроблоглар сервисидан фойдаланиш фаоллиги рекорд даражага кўтарилган. Аниқроқ айтганда, испанлар ўзларининг сўнгги тўртинчи голини италянлар дарвозасига киритганидан сўнг қисқа хабарлар сони 15000дан ошган, ўйин давомидаги жами хабарлар эса 16,5 млн.тани ташкил этган.

Умуман олганда, 2012 йилги Европа чемпионати Twitter тарихидаги энг кўп муҳокама қилинган воқеага айланди.



ABI Research компанияси жаҳон смартфонлар бозорининг жорий йил биринчи чорагини таҳлилдан ўтказди. Аниқланишича, бозорнинг 55 фоизи Apple ва Samsung томонидан ишғол этилган, даромаднинг ҳам 90 фоиздан кўпи уларга тегишли. Олдинги чоракка нисбатан ўсиш фақат Samsung ва Sonyда кузатилган бўлса, Nokiaда савдо ҳажми нақ 40 фоизга камайиб кетган. Учинчи ўринда бораётган фин ишлаб чиқарувчиси (Nokia) 11,9 млн.та аппарат сотишга эришган бўлса, канадалик "маймунжонфуруш"лар (RIM) 11,1 млн.та, кунчиқар юрт вакиллари (Sony) 7 млн.та, хитойлик Huawei ва ZTE 6,8 ва 4,9 млн.тадан мобил қурилмаларини сотган.



Июл ойининг иккинчи санаси соат 23.00дан Kodak компанияси Kodak Gallery фотосервисини ёғди. Сервисга шу пайтгача 5 млрд. агрофида фотосуратлар жойлаштирилган бўлиб (улар ҳозир Shutterfly сервисига кўчирилди), 68 млн.та миқозга эга эди.

Мазкур сервис компания томонидан Shutterfly компаниясига 23,8 млн. долларга сотилди. Сервисга хизмат қилиб келган жами 150 ходим энди ишсизлар сафида.



Foxconn компанияси NanoPC туркумига кирувчи шовқинсиз янги неттоп (миникомпютер)ларни тақдим этди. Ҳар икки модел — AT-5250 ва AT-5600 190x135x38 мм. ўлчамга эга бўлиб, икки хил платформа — Intel Atom ва AMD Brazosда ишлайди.

Миникомпютерлар кутиш тартибда 15 Вт, фаол тартибда 24 Вт энергия сарфлайди, пассив совутиш тизими сабаб улар мутлақо шовқин ҳосил қилмайди.



Chitika компаниясининг аниқлашича, "ақлли" телефонлар трафигининг 72 фоизи iPhone ларга

тўғри келмоқда, Android-смартфонларнинг улуши эса 26 фоизга тенг. Планшет трафикларининг 95 фоизи Applesнинг яна бир маҳсулоти — iPad компютерларига тегишлидир.

Таъкидлаш керакки, десктоплар орасида биринчи ўринни Windows (85 фоиз) амалиёт тизими ўрнатилган компютерлар, қолган кетсими Applesнинг Mac (13 фоиз) амалиёт тизими эгаллаб турибди.



Россиянинг "Т-Платформы" компанияси, Финляндиянинг CSC — IT Center for Science Ltd суперкомпютер маркази, Швейцариянинг Миллий Суперкомпютер маркази (CSCS) ва SARA — Юқори ишлаб чиқарувчан ва ахборот технологиялари миллий маркази ҳамкорликда янги авлод суперкомпютер тизими лойиҳасини яратишга киришди.

400 терафлопсгача ишлаб чиқарувчанликка эга мазкур тўлиқ функцияли ечимни яратиш ишлари 2013 йилда якунланиши режалаштирилган.

Bing Maps: Янада яқинроқ

Microsoftнинг Bing интернет-қидирув тизими ривожланишда давом этмоқда. Бу гал Bing Maps картография сервиси самолёт ва сунъий йўлдошларда олинган 165 терабайтлик янги суратлар билан бойитилди. Хабар қилинишича, шаҳарларни деталли кузатиш ассортименти янада кенгайган. Янги тасвирлар Шимолий ва Жанубий Америка, Африка, Европа ва Осиёнинг 38 млн. квадрат километр майдонини деталлаштириб кўриш имконини беради.

Самолётларда олинган тасвирлар 1 030 000 квадрат километр майдонни қамраб олган бўлиб, сайёрамизнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлар, энг гўзал манзараларни томоша қилиш мумкин.

Суратларнинг навбатдаги янгиланиши ҳозирга қадар энг йириги бўлиб, аввалгисидан нақ 129 терабайтга каттадир. Янги илланма ишлар расмий блогда танишиш мумкин, картография суратларини томоша қилиш учун эса Bing World турни ишга тушириш керак.




Излаганингизни ТОПДИНГИЗМИ?

(Давоми. Бошлангани 1-бетда.)

Кидирув тизими нима?

Кидирув тизими — веб-интерфейсли дастурий-аппарат мажмуаси ҳисобланади. У орқали интернетдан маълумотлар кидирилади. Кидирув тизими дейилганда одатда маълум бир сайт назарда тутилади. Унда интерфейс тизими ўрнатилган ҳолда калит сўзлар бўйича кидириш амалга оширилади. Ахборот-кидирув тизимлари интернет ресурслари ичидан сўралган ихтиёрий маълумотларни кидириб топиб бериш имкониятига эга.

Интернет фойдаланувчилари кидирувни глобал тармоқда жойлашган веб-сайтлар, уларнинг манзили ва ички маълумотлари бўйича олиб бориши мумкин. Бу эса фойдаланувчига керакли бўлган ахборотни самарали кидириш ва тез топиш имкониятини беради. Хар бир фойдаланувчи ахборотни кидириш учун бир ёки бир неча сўздан ташкил топган жумлалардан фойдаланади. Бунда фойдаланувчи томонидан кидирув майдонига керакли маълумотга доир сўз ёки жумла киритилади ва кидирув тизими ишга тушади. Масалан, Google орқали "ахборот хавфсизлиги" жумласини кидириб кўрамиз. Натияжа қуйидагича:



Топилган ҳаволаларни очиб кўриш орқали ўзимизга керакли энг аниқ маълумотни ажратиб оламиз. Кидириладиган маълумотнинг аниқ ҳаволасини имкон қадар тез топиш учун жумлани қўшტიрмоқ ичида ёшиш лозим. Шунда натияжа самаралироқ бўлади.

Ўзбек тилидаги маълумотларни топишда латин алифбосидан фойдаланишни ҳам унутмаслик лозим, чунки ўзбекча сайтларнинг катта қисмида латин алифбоси ишлатилади.

Ахборотларни параметрлари бўйича кидириш

Хар бир фойдаланувчи интернет тармоғи орқали ўзига керакли бўлган маълумотларни осон ва тез кидириб топиши учун ахборотни маълум параметрлар бўйича кидириш тавсия қилинади. Булар қуйидагилардан иборат:

- Маълумотларни унинг тили бўйича кидирув;
- Маълумотларни унинг тури (матн, расм, мусиқа, видео) бўйича кидирув;
- Маълумотларни унинг жойлашган минтақаси бўйича кидирув;

Ким олдинда?

Net Applications маълумотига кўра 2012 йил бошига келиб, жаҳоннинг машҳур кидирув тизимларидан фойдаланиш даражаси қуйидагича кўриниш олган:

- Google — 83,87 фоиз;
- Yahoo! — 6,20 фоиз;
- Baidu — 4,22 фоиз;
- Bing — 3,69 фоиз;
- Yandex — 1,7 фоиз;
- Ask — 0,57 фоиз;
- AOL — 0,36 фоиз;

Интернетда кидирув тизимларидан самарали фойдаланиш воситалари

- Маълумотларни унинг жойлаштирилган санаси бўйича кидирув;
- Маълумотларни унинг жойлашган интернет ҳудуди бўйича кидирув;
- Маълумотларни хавфсиз кидирув.

Кидириш турлари

Интернет тармоғида турли маълумотлар, файллар мавжуд. Деярли уларнинг хар бир турини кидириб топишга мўлжалланган алоҳида тизимлар ишлаб турибди. Масалан, одамларни, кино ёки мусиқани, расмларни алоҳида кидириш имконияти бор.

Глобал тармоқда график маълумотларнинг кўплаб турлари учрайди, яъни: чизма (вектор), фото (растр), ҳаракатланувчи (анимация) ҳамда сиқилган расмлар. Расм кўринишидаги маълумотларни фақатгина унинг номи ёки тури бўйича кидириб топиш мумкин. Кўпгина интернет кидирув тизимлари график ёки тасвир кўринишидаги маълумотларни ахтариш учун алоҳида бўлим ва функцияларни жорий этган.

Бундай тартибдаги ихтисослашув изланаётган маълумотнинг тез ва аниқ топилишига кўмаклашади.

Миллий ахборот-кидирув тизими

Албатта, юртимизда интернетнинг тараққий этиши ва миллий сегмент ҳажмининг ошиб бориши миллий ахборот-кидирув тизимларини йўлга қўйиш эҳтиёжини юзага келтирди. Бугунги кунда бир неча маҳаллий кидирув тизимлари фаолият кўрсатяпти. Улар орасида WWW.UZ — Миллий ахборот-кидирув тизими алоҳида ўрин тутаяди.

WWW.UZ — барча фойдаланувчилар учун юртимизнинг интернет тармоғидаги миллий сегменти ахборотларидан қулай тарзда фойдаланиш имкониятини берувчи механизм ҳисобланади. Миллий ахборот-кидирув тизимини ривожлантириш ишлари UZINFOCOM Маркази томонидан олиб борилади. WWW.UZнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, кўп тили ахборот кидируви (русча, ўзбекча), бошқа миллий ахборот тизимлари ҳамда маълумот ombорлари билан ўзаро ишлаш олади. Шунингдек, интернет тармоғи фойдаланувчиларига миллий сегментда жойлашган веб-сайтлар бўйича кидирув хизматини тақдим этади. Фойдаланувчи кидирувнинг веб-сайт манзили ва ички маълумотлар бўйича олиб бориши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, фойдаланувчига зарур бўлган ахборотни самарали кидириш ва топиш имкониятини беради.


WWW.UZ даги бўлимлар ("Каталог", "Топ-рейтинг", "Жамланган статистика" ва "Янгиликлар") фойдаланувчига қатор қулайликларни яратаяди.

Масалан, "Каталог" бўлимида бевосита Ўзбекистон Республикасига алоқадор бўлган, рўйхатга олинган, уларга тавсиф берилган ҳамда каталог мавзулари бўйича сараланган веб-сайтлар ҳақида маълумот берилган. Каталог фойдаланувчилари керак бўлган сайтни йўналишлар бўйича (Иқтисод, Спорт, Маданият, Янгиликлар ва бошқалар) кидирув орқали тезроқ топишади. Сайтларнинг йўналишлар бўйича рункларга (молия, сиёсат, кино ва ҳоказо йўналишларда) ажратилгани ҳам қўшимча қулайлик беради. Каталог мунтазам равишда кидирув тизимининг фаол фойдаланувчилари ва модераторлар томонидан




янги сайтлар билан тўлдириб борилади. Янги сайт манзилини WWW.UZ сайтининг хар бир фойдаланувчиси унинг асосий саҳифасига қўйиш имконига эга. Янги ресурс сайтда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг у каталогдан ўрин олади. Рўйхатдан ўтган барча сайтлар доимий равишда назорат қилинади. Шунинг таъкидлаш лозимки, WWW.UZда интернет фойдаланувчилари учун "Топ-рейтинг" ва "статистика" берилган. Уларда миллий ахборот-кидирув тизими ҳисоблагичлари иштирок этиб, улар орқали Ўзбекистон сайтларининг статистикасини ва улар фойдаланувчилар орасида қанчалик оммабоплигини билиб олса бўлади.

WWW.UZнинг хар бир фойдаланувчиси "Топ-рейтинг" бўлимига кириб, барча рўйхатга олинган сайтлар рейтингини кўриши, "Жамланган статистика" бўлимида эса уларнинг статистикасини билан танишиши мумкин.



Жумладан, WWW.UZ ҳисоблагичи ўрнатилган сайтларда ресурс статистикасини батафсил кўриб чиқиш имконияти бор. У ерда сайт ҳақидаги умумий маълумотлар, домен ва хостинг жойлашувидан тортиб, умумий таширлар сони, сайтнинг оммалашган саҳифалари, қайси доменлар ва кидирув тизимлари орқали сайтга таширлар буюрилиши, таширлар буюрувчиларнинг қайси браузер ва амалиёт тизимларидан фойдаланишига билиб олса бўлади.



Масалан, <http://xabar.uz> сайтига таширлар буюрувчиларининг сўнгги бир ҳафталик статистикасига кўра, 78,7 фоизи компютер орқали, 13,6 фоизи эса мобил амалиёт дастурлари орқали киришган. 7,7 фоизининг амалиёт тизимлари аниқланмаган.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Интернетдан фойдаланишни ўрганган ва унинг самарасидан баҳраманд бўлишни истаган хар бир шахс кидирув тизимларининг имкониятларидан яхши хабардор бўлиши, ундан фойдаланиш йўларини пухта ўзлаштириши талаб этилади. Бунда нафақат жаҳон ахборот ресурсларидан, балки миллий сегментдан ҳам фойдалана олишнинг аҳамияти катта. Чунки ўзбек интернет дунёси ҳам хар куни юзлаб, минглаб фойдаланиш ахборотлар билан бойимокда. Уларни топиш ва батафсил танишиш учун эса миллий ахборот-кидирув тизимлари кўмағига тўғри келади.

Молодым о науке

В период с 29 июня по 1 июля текущего года проводился семинар "Сфера связи и информатизации — современное состояние, направления, перспективы" для одаренных студентов Ташкентского университета информационных технологий и учащихся ряда колледжей г.Ташкента по направлению информационных технологий.

Инициаторы и организаторы семинара — Узбекское агентство связи и информатизации, Государственная комиссия по радиочастотам Республики Узбекистан, Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана, Ташкентский университет информационных технологий, Центр научно-технических и маркетинговых исследований ГУП "UNICON.UZ".

Цель проведения семинара широкое освещение ведущими учёными республики современных достижений фундаментальных и прикладных исследований, их результатов, проблем современной науки и техники.

В ходе проведения семинара участники получали информацию о развитии научных исследований, процессах инновационного развития отрасли связи и информатизации, об актуальных вопросах развития информационно-коммуникационных технологий, о проблемах развития и внедрения цифровых



технологий в телерадиовещании, о современной элементной базе вычислительной техники и систем управления, развитие нанотехнологий, об эффективном использовании ИКТ в научных исследованиях проблем астрономии, о моделировании природных процессов и их прогнозировании и т.д.

Семинар предоставил возможность участникам непосредственно пообщаться с учёными республики, расширить знания по смежным областям, получить информацию об особенностях применения ИКТ в различных областях науки и техники, использовать полученные знания в учебном процессе.

По итогам семинара его участникам вручены соответствующие сертификаты.

Aci.uz

В ГУП "UNICON.UZ"

выпущена книга "Система контроля целостности кабельных линий связи" (авторы М.Мухитдинов, Р.Сайфуллин, А.Худайбердыев).



Книга посвящена решениям проблемы по охране кабельных сетей связи малой емкости, где рассмотрены вопросы по организации контроля целостности телефонных кабельных линий малой емкости с помощью различных технических средств, их технические характеристики, процессы эксплуатации, а также процесс разработки с использованием доступных комплектующих изделий и компьютерных технологий.

В книге описаны полученные результаты проведенных исследований, конструкторских и монтажных работ в данном направлении, а также внедрения разработанной системы на ряде предприятий связи, а также методы и способы использования характеристик телефонных линий связи при эксплуатации систем по контролю целостности кабельных линий связи. Проанализирован процесс разработки и использования одной из систем охраны кабельных сетей связи "СОКСС-2006".

Современная телекоммуникационная среда диктует необходимость постоянного улучшения и модернизации сетей, особенно ввиду появления новых коммерческих услуг и оптимизации эксплуатационных расходов.

Для обеспечения соответствия существующим и будущим требованиям разрабатываются мультисервисные узлы абонентского доступа (Multi-Service Access Node — MSAN). Внедрение данной технологии значительно изменит топологию подключения линейно-кабельного хозяйства АТС. В этом случае применение существующих методов контроля целостности распределительных кабелей по физическим ценам станет невозможным.

В связи с этим, в книге рассмотрен один из проектов новой системы автоматизированного контроля состояния распределительных кабельных линий (АКЛ) в условиях эксплуатации сети связи следующего поколения (NGN — Next Generation Network).

Книга предназначена для инженерно-технических работников, сферы связи и коммуникаций, связанных с эксплуатацией кабельных линий связи и предоставлением услуг связи по физическим линиям. Материал будет также полезен операторам АТС, студентам, аспирантам и конструкторам для разработки различной аппаратуры или устройств, для решения одной из актуальных проблем отрасли связи — технического мониторинга состояния и целостности кабельных телефонных линий и их сохранности.

Наш корр.

Опубликована статистика развития Узнета в июне

Центр UZINFOCOM опубликовал ежемесячную статистику своих проектов и сервисов, которая позволяет отследить динамику развития национального сегмента сети интернет.

Согласно информации центра, прирост числа активных доменов в зоне UZ в первый месяц лета составил 1,69% (с начала года — 8,87%), на конец месяца их насчитывалось 14887.

Количество сайтов в каталоге Национальной информационно-поисковой системы WWW.UZ за месяц выросло на 1,52% (с начала года — на 6,65%) до 6740. При этом чис-

ло сайтов с доменом UZ составляет 5466 или 81% от общего числа.

В Топ-рейтинге WWW.UZ участвуют 1848 сайтов, что на 3,3% больше, чем в мае и на 29,87% больше, чем в начале года.

В июне сайты-участники Топ-рейтинга собрали более 6,45 миллиона хостов (-4,2% по сравнению с маем, когда было зарегистрировано 6,733 миллиона хостов) и свыше 104,776 миллиона хитов (-4,65%, 109,883 миллиона).

В каталоге Информационно-образовательной сети ZIYONET по итогам июня зарегистрировано 1050 сайта (-2,23% за месяц и +12,42% с

UZINFOCOM

начала года) и 6078 сайтов-спутников (+2,44% и +28% соответственно).

В библиотеке ZIYONET хранится свыше 37,76 тысячи материалов — это тексты лекций, авторефераты, пособия, лабораторные работы, диссертации, рефераты и учебники. Количество публикаций на этом сайте превысило 42,4 тысячи.

Продолжает набирать пользователей система авторизации ID.UZ, в которой зарегистрировано 25,38 тысячи аккаунтов (прирост за месяц -2,31%, с начала года — 21,69%).

Планшеты обгонят ноутбуки в 2016 году

Аналитики из компании NPD DisplaySearch составили прогноз рынка планшетов. По их данным, продажи на нем превысят продажи на рынке ноутбуков в 2016 году.

В 2016 году продажи планшетов составят порядка 350 000 000 единиц, что позволит обогнать сегмент ноутбуков. Общее количество поставок вырастет с 121 млн. в этом году до 416 миллионов в 2017 году. Продажи ноутбуков также будут продолжать расти, но в более скромных показателях — с 208 миллионов в этом году до 393 миллионов в 2017 году.



Nokia обвиняет Google

Главным борцом за соблюдение патентов в области мобильных гаджетов является Apple, однако теперь и Nokia решила вступить в бой за свои права. Финская компания утверждает, что планшетник Google Nexus нарушает ряд патентов в области WiFi-технологий.

Однако, в отличие от Apple, Nokia не ставит цели запретить продажи нового гаджета Nexus 7. Финны просто настаивают на том, что поисковый гигант должен купить лицензию на использование ряда решений.

Firefox наращивает рыночную долю

Компания Net Applications оценила рыночные доли браузеров для персональных компьютеров и мобильных устройств в июне 2012 года.

В ПК-сегменте самым распространённым веб-обозревателем остаётся Internet Explorer, доля которого равна 54,00%.

Firefox, находящийся на втором месте в рейтинге занимает 20,06% мирового рынка. Замыкает тройку Chrome: его доля сократилась на 0,50% — до 19,08%.

Далее следуют браузеры Safari и Opera с результатом в 4,73 и 1,60% соответственно.

70 процентов подростков пытаются избежать родительского контроля

Компания McAfee обнародовала результаты опроса, в ходе которого изучались интересы, привычки и стиль поведения американских пользователей интернета в возрасте от 13 до 17 лет.

Оказалось, что более 70% подростков так или иначе пытаются избежать родительского контроля при работе в Сети. Примерно половина несовершеннолетних (53%) удаляет историю браузера, треть уничтожает переписку в системах обмена мгновенными сообщениями. 23% подростков попросту обманывают старших относительно своих веб-пристрастий, а 46% сворачивают или закрывают обозреватель при появлении взрослых.

Около 15% тинейджеров пытались взломать чужой аккаунт в социальных сетях, 8,7% — ящик электронной почты. 30,7% подростков загружают пиратские материалы — фильмы и музыку.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида 2011 йил октябр ойида Хитойнинг "ZTE" корпорацияси ҳамда "Huawei Technologies" компанияси ва "Huawei Tech Investment Tashkent" корхонаси билан ТАТУ ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича Келишув ва Шартнома, декабр ойида Пекин почта ва телекоммуникация университети билан ўзаро таълим соҳасида алмашинув Шартномаси имзоланди.

Айниқса, "Huawei Technologies" компанияси ва "Huawei Tech Investment Tashkent" корхонаси билан тузилган Келишув ва Шартномалар асосида "Huawei" томонидан ТАТУ ва унинг бешта филиали ўртасида видеоофференсалоқа тизими учун олтинга видео-терминал ва уларни боғлаш учун тармоқ қурилмалари тақдим этилди, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва талабалар амалиётини компания офис ва корхоналарида ўташ келишиб олинди, компания мутахассисларини жалб этган ҳолда долзарб мавзуларда маъруза ва семинар машғулотлари университет филиаллари билан биргаликда ташкил этилмоқда.

Ушбу амалга оширилётган комплекс ишларнинг давоми сифатида компания раҳбарияти билан келишув асосида университетнинг истеъдодли про-

фессор-ўқитувчи ва қобилиятли талабаларини рағбатлантириш учун беш йил давомида йилига умумий миқдори 20 млн. сўмга тенг тўртта 2,5 млн. сўм миқдоридagi рағбатлантирувчи мукофот ва ўн та 1 млн. сўм миқдоридagi стипендия таъсис этилди.

Амалдаги ҳамкорлик алоқаларидан яна бири "East-Telecom" корхонаси билан 2008 йилда университетнинг иктидорли талабаларига рағбатлантириш стипендияси бериш бўйича имзоланган шартнома асосида амалга оширилётган ишлар ҳисобланади. Ушбу шартнома асосида 2009 йилдан уч йил давомида университетнинг 18 нафар иктидорли талабаси "East-Telecom" корхонасининг рағбатлантириш стипендияси (350 минг сўм миқдорида) билан тақдирландилар. Бундан ташқари, совриндор талабалар компанияда амалиёт ўташ имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Янги шартнома корхонанинг янги раҳбари — бош директор жаноб Ли Бек Хи билан имзоланди. Ушбу шартномага асосан университетнинг олти нафар иктидорли талабасига 500 минг сўмдан рағбатлантирувчи стипендия таъсис этилди.

Яқинда ўтказилган тадбир ана шу мукофот ва стипендияларга эга бўлганларни тақдирлаш маросимига бағишланди.

Собиржон ЮСУПОВ

Почта алоқа соҳаси учун ЭНГ АҲАМИЯТЛИ ЛОЙИҲА

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида қабул қилинган қўшма қарорга асосан "Иктисод ва бошқарув" факултети профессор-ўқитувчилари ва иктидорли талабалари илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва почта алоқаси объектлари билан илмий-инновация фаолиятини ривожлантириш мақсадида "Почта алоқаси технологиялари" таълим йўналишининг битирувчи талабалари томонидан химоя қилинган битирув малакавий ишлари бўйича "Почта алоқа соҳаси ривож учун энг аҳамиятли лойиҳа" номинацияси таъсис этилган эди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Почта алоқаси технологиялари" таълим йўналишининг 2011-2012 ўқув йили битирувчиси Кристина Прохорова ва битирув малакавий иши раҳбари "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Почта алоқасини ташкил этиш бўлими бошлиғи Саодатжон Матчановалар "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали вилоят ичи почта йўналишларини оптимallasштириш" мавзусидаги диплом иши "Почта алоқа соҳаси ривож учун энг аҳамиятли лойиҳа" номинацияси волиби деб топилди.

Pochta.uz

Ёшлар ва интернет

Маълумки, талабалар бошқалардан ўзларининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Уларнинг пухта билим олишларида эса интернетнинг ўрни сезиларли даражада ошди.

Масалан, Ziyonet.uz сайтдан биз ўзимизга керакли бўлган таълимга тегишли барча маълумотларни олишимиз мумкин. Ҳозирги кунда бу сайтдан фойдаланувчилар сони тобора ортмоқда. Сабаби, республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам бу сайтдан фойдаланиш учун имкониятлар мавжуд.

Сайтларнинг бизга берадиган ёрдами бошқаларнинг кўмагисиз компютер саводхонлигини ошириб, дастурлаш тизимини ўрганишимиз, сайт яратиш, дастур ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз мумкин. Бунда сайтлар бизга ўз кучимиз билан фикримизни жамлаш ва келажакка дастлабки қадамлар қўйишни ўргатади. Албатта, бундай сайтларда мустақил ишлаш учун рус ва инглиз тилини билишимиз зарур. Бу сайтдан фойдаланиш талабаларни тил билишга, уни янада мукамал ўрганишга ундамоқда. Демак, талаба тақдор китоб бетларини очади ва тил ўргатувчи дастурлардан фойдаланади.

Бизлар учун деярли фойдаси бўлмаган, фақат вақтни оладиган дастур ва сайтлар ҳам борлигини инкор этмаймиз.

Ўзимиз учун фойдали дастур, сайт яратиш ҳар биримизнинг қўлимиздан келади, биздан фақат ҳаракат талаб қилинади, холос!

Дилфуза ҚУРБОНБОЕВА,
ТАТУ Нукус филиали талабаси

Немис тажрибаси ўрганилди

Республика ахборот-кутубхона маркази ва Гёте институти ҳамкорлигида Тошкентда Берлин кутубхонаси директори Клаус Улрих бошчилигида "Берлин кутубхонаси" мавзусида тақдимот ва "Ахборот-кутубхоналарда инновацион фаолиятлар" мавзусида ўқув машғулотлари ташкил этилди. Унда Илмий кутубхоналар, ТАТУ ўқитувчилари, Тошкент тиббиёт олийгоҳлари кутубхоналари, "Билим" маркази ҳамда вилоятлардаги АКМ ходимлари, шу жумладан, Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказининг ахборот технологиялари бўлим мудири Равшан Амиров ҳам иштирок этиб келди.

Равшан Амиров ушбу ўқув машғулотлари бўйича Самарқанд вилоят АКМ ходимлари ўртасида семинар ўтказди. Семинар кун тартибига киритилган Тошкентда ўтказилган ўқув машғулотлари тўғрисида АКМ директори Ш.Ахмедова сўзга чиқди. Шундан сўнг "Ахборот-кутубхоналарда инновацион фаолиятлар" мультимедияли тақдимот намойиш этилди. Семинар савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Маҳбуба КУЛОВА,
АКМ илмий-услубият бўлими мудири



GOETHE
INSTITUT

Хик.нат

Инсонийликнинг энг шарафли ва энг буюклик даражаси — унинг ақлидир.

Платон


Меҳнат таътилга чиқиб, саломатлигини тиклаш мақсадида Фарғонадаги сихатгоҳлардан бирига отландим. Ҳозир нима кўп, одамларни у ёқдан-бу ёққа ташийдиган енгил машиналар кўп. Улардан бирига ўтириб йўлга тушдим. Ҳайдовчимиз ҳам гандонгина экан, машина ўрнидан қўзғалиши билан гапга тушди. Орқада ўтирганлар самолётдан тушишган, узок йўл чарчатганлиги боис дарров уйкуга кетишди. Ҳайдовчининг кетма-кет бераётган саволларига жавоб бериш менинг чекимга тушди. Ёши бир жойга бориб қолган кишининг гапи ҳам кўп бўларкан-да, деган фикрда аввалига эҳсам қотди. Сўнг унинг ҳикояларига ихтиёрсиз равишда қизиқиб қолдим. Ўзининг бошдан ўтган воқеалар ҳақида гапирганда эса кинрикларим намланди.

— Шу ёшида уйда тинчгина ўтириш ўрнига нимага киракашлик қилиб юрибди бу одам, деб ўйлаётгандирсиз, — деди Ҳасан ака чуқур хўрсиниб олгач. — Мен эса гарчи оғирлик қилса-да шу ишни қилишга мажбурман. Чунки уч нафар неварам менинг қарамоғимда. Улар ўғлимнинг болалари.

Ҳасан аканинг аянчли тақдири, эзгулик мақсадида қилган хатоси бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда уни қозоғга туширдим. Зеро, оила — муқаддас қўрғон. Уни мустаҳкам сақлаш, фарзандлар тарбияси учун оила соҳиби — эркак киши кўпроқ масъул назаримда.

— Отам эрта ҳаётдан кўз юмиб, рўзгор ташвишлари онам билан менинг зиммамда қолди, — дея ҳикоясини давом эттирди Ҳасан ака, — Тирикчилик тошдан қаттиқ бўлган пайтлар эди ўшанда. Уйда хунармандчилик билан шуғулланиб, қўл учида рўзгор тебратардим. Уйланиш ёшига етгач, онам камбағал бир оиланинг қизига амал-тақал тўй қилиб уйлантирди. Рафиқам Дилбархон ўттиришудлигина аёл бўлиб, рўзгор юқини тортишда ёнимга кирди. Яшашимиз бир оз яхшилангандай бўлди. Лекин кетма-кет фарзандлар туғилгач яна қийнала бошладик, аммо борига шукур қилиб, бир-биримизга суянч бўлиб яшашда давом этдик. Дилбархоннинг Санобар исмли опаси бўлиб, Аллоҳ фарзанддан қисган эди. Шундай бўлса-да турмуш ўртоғи билан аҳил-иноқ яшашарди. Улар бизнинг болаларимизни ниҳоятда яхши кўришар, шу сабаб уйимизга тез-тез келиб туришарди.

Бир куни улар яна келишди. Болаларимни эркалатиб анча ўтиришди. Ўшанда рафиқам тўртинчи фарзандига ҳомиладор эди. Божам бир оз гаплашиб ўтириб, бирдан ҳаётдан ҳасрат қила кетди. У фарзандсизлик сабаб уйи ғамхонага айлангани, одамлар ҳам таъна билан қарашларини айтиб йиғлашга тушди. Асли кўнгли бўш одам эмасманми, раҳимим келиб, "Хафа бўлмагн бож, мана шу иккинчи ўғлим Зуфаржон сизники, ҳали ёш, кўники кетади", деганимни бил-



май қолибман. Божам ўрнидан туриб мени бағрига босди. Энди ака-ука бўлдик, дея қайнэгачимни чақириб бўлган воқеани айтиб берди. Бемаслаҳат чиқарган қароримдан хотиним қай аҳволга тушганини бир кўрсангиз эди. У бир неча кун овқат ҳам емади. Шу тариха ўз ўғлим уйимга меҳмонга келиб кетадиган бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Бизнинг фарзандларимиз олти нафарга етди. Тирикчилик ҳам бир нави эди. Зуфаржон учун эса янги оиласида ҳамма нарса мухайё бўлиб, бизникига келса ака-укаларига менсимай қарайдиган одат чиқарди. У биз тайёрлаган овқатни емас, бир оз ўтиришгач, уйимга кетаман дея хархашани бошларди. Шу тариха у мактаб ёшига етди. Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам ўзига бўлишига ўрганиб қолган эмасми, мактабда ҳам бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қиларди. Лекин зехни ниҳоятда ўткир, синфининг аълочиси бўлди. Унинг олган фахрий ёриқларини эрхотин бизникига олиб келиб, мактабни кетадиган бўлишди.


Хаёт доим бирдай давом этавермас

экан. Тақдирни қарангки, Зуфаржон бешинчи синфда ўқиётганида қўшни болалар билан урғиниб қолади. Улардан бири "Сен ўзи нимага бу уйда яшаб юрибсан? Сенинг отанг Ҳасан ака-ку, бор ўз уйингга. Шоқир аканинг бойлиги билан керилишга сенинг ҳаққинг йўқ, сен унинг боласи эмассан", дейди. Бу гап боланинг кўнглини чилларчин қилади. Ота-онасига бир нима демайди-ю, лекин пайт пойлаб юради. Бир куни бизникига келишиб, ҳамма жамулжам бўлганида дилидаги саволни ўртага ташлади. Аввалига ҳаммамиз саросимага тушиб, бир-биримизга тикилиб қолдик. У саволини такрорлагач, тўғриси айтишга мажбур бўлдик. Шу кундан эътиборан у икки уйнинг оворасига айланди. Бизникида бир нимадан ҳафа бўлса уйига кетади, уйдан ҳафа бўлса бизникига келади. Қайси уйда пул бериб эркалатишса, тансиқ таом бўлса ўша ерда бир неча кунлаб қолиб кетади. Божам пенсияга чиққач эса уларнинг куни нафақага қолди. Зуфаржон улардан пул талаб қиладиган, боқол-масаларинг нимага олиб келдиларинг

дея жанжал кўтарадиган одат чиқарди. Бунга чидай олмаган қайнэгачим билан божам бир куни уйимизга келишди ва Зуфаржон уларни қийнаб юборганлигини, ортиқ чидай олмасликларини айтиб, ўғлимизни уйимизга қайтариб олиб келишимизни ва бошқа жўнатмаслигимизни илтимос қилишди.

Олти нафар фарзандни ўқитиб, эл сафига қўшган биздай ота-она учун бир фарзандни қайта тарбиялаш қийин бўлмас, деган ниятда ўғлимизни қайтариб олиб келдик. Лекин болани ёшлигидан тарбиялаш бошқа экану қайта тарбиялаш мутлақо бошқа нарса экан. Мана шу иш қўлимиздан келмади. Ўғлимизни эплай олмадик. Уни олийгоҳга ўқишга киришига ёрдам берсак-да, удалай олмадик. Бир неча марта ўқишдан ҳайдалди. Шунча марта қайта тиклашга кўмаклашдик. Амаллаб ўқишни битиргач, ишга жойладик. Ишни ҳам эплай олмади. Ақлли, фахму фаросатли бир қизга уйлантирдик. Хаётини ҳам изга солмади. Келиним неча марта ота уйига кетиб, яна қайтиб келди. Зуфар ўғлим эса бир жойда муқим ишла олмади. Хатто фирибгарлар тўдасига қўшилиб, жиноят йўлига ҳам кирди. Қамалиб чиқди ҳамки ақли кирмади. Ҳозир келиним уч ўғли билан божам ва қайнэгачимдан қолган уйда яшайди, ўғлим эса яна домдараксиз кетган...

Ҳасан аканинг гапларини тинглаб ўтирар эканман, инсоннинг ўйламай босган қадами, гарчи нияти эзгу бўлса-да, яхши оқибатларга олиб келмаслигига амин бўлдим. Оила — муқаддас қўрғон, фарзандлар эса бизга берилган омонатлардир. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанд учун масъул эканлигини унутмаслиги лозим.



*Хаётим бўлсин десанг
Баракотли, ҳам қўркам,
Сен шундай оила қур
Пойдевори мустаҳкам.
Мустаҳкам пойдевори
Тикла поклик, ҳурматдан,
Келтирган нонинг бўлсин
Фақат ҳалол меҳнатдан.
Сен шундай оила қур -
Ота-онанг бош бўлсин.
Бола-чақанг ёнингда,
Яхшилар йўлдош бўлсин.
Ўғил-қизинг бошида
Ватан бўлсин соябон,
Кўрғин меҳрибонлигин
Сарҳадлари чароғон.
Асра Ватан хилқатин,
Ўйла юртининг хизматин.
Бўлмасин ҳеч қимдан кам,
Оила қур, мустаҳкам!*

Матлуба НАСРИДИНОВА,
"ТШПТ" филиали ходими



ЗҲРАВОНЛИК-
дан КўРА ИШОНЧ
УЙҒОТИШ КўПРОК
САМАРА БЕРАДИ.

ЭЗОП

АЗИЗ ГАЗЕТХОН, газетамиз муҳлиси Матлубахон Насриддинова қаламга олган воқеа ҳақида қандай фикрдасиз? Шу ҳақида ёки бола тарбияси билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни билсангиз бизга ёзиб юборинг.
Мақтубингизни кутамиз



"Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалларида болаларнинг таътил давлари талаблар даражасида ўтиши, соғломлашувлари учун етарли даражада маблағ ажратилмоқда. Бу йил почта ходимларининг 150 нафар, телекомчиларнинг 200 нафар фарзандлари "Хумо", "Нихол" ва "Коннот" оромгоҳларида дам оладилар.

Июль ойининг ўнинчи кунига қадар болаларнинг саксон фоизи дам олдирилиб бўлинади. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали касабаси уюмаси қўмитаси раиси Муҳаммадҷон Ҳақимов ҳамда ходима Зиёлоҳон Райимжоновалар ҳамроҳлигида Фарғона шаҳрининг Оқариқ қишлоғидаги шарқироқ сой соҳилида жойлашган "Хумо" оромгоҳида бўлиб, болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқараётганликларига ишонч ҳосил қилдик. Бу сўлим масканда телекомчиларнинг 15 нафар, почтачиларнинг 67 нафар фарзандлари дам олишмоқда. Муҳими, болаларнинг бир сония бўш вақтлари йўқ — кўплаб тўғарақларда ўз иқтидор ва билимларини оширишади. Кимдир футбол, кимдир компьютер, кимдир тасвирий санъат ёки рақс санъати дунёсида сайр қилса, кимдир эртаклар оламига шўнғийди. Аммо ҳаммаси учун ҳам сеvimли тўғарақ бор. Бу доимо ҳамма — ҳаммани бағрига чорловчи — қўм-қўқ сузиш хавзасидир.

— Ҳа, болажонларимиз учун энг сеvimли машғулот — сузиш, мен учун эса... уларни бир сония кўздан қочирмайман. Уларни ҳеч кимга ишонмайман. Болалар шод — хуррам чўмилашаётганда улардан ҳам кўп ўзим яйрайман. Оромгоҳнинг очилиш куни, "Гулхан атрофида", "Кел, танишайлик", "Оромгоҳ юдузлари", Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган мусиқали дастурлар ва зукколар белла-

Марғилонсой соҳилларида



шувлари болаларга айниқса манзур.

Негаки, бу тадбирларимизда болалар ўз қобилиятларини синаб кўрадилар ва бошқалардан ўзида йўқ сифатларни ҳам оладилар, — дейди оромгоҳ директори Мидҳад ака Мавлюшов. — 27 йиллик тажрибамдан биламанки, бола оромгоҳда ўз келажоғи тўғрисида, ўзига муносиб касб танлаш ҳақида кўпроқ ва жиддийроқ ўйлайди. Шунинг учун ҳам уларнинг касблар бора-сидаги билимларини бойитишга ҳаркат қиламиз. Умуман, болаларнинг аклидроки тўлишиб бораётгани шодон дамларини кузатиш менга ўзгача бир завқ бағишлайди...

Сабина Розикова, Шахноза Жўраева, Руслан Шалаев, Маяхон Марахимова каби тарбиячи ва педагоглар ҳам болажонлар атрофида парвона. Улар ҳам болажонларнинг ҳар дақиқаси кўнгили кечиси учун бор тажриба ва маҳоратларини ишга солишмоқда.

— Икки ярим мингтадан зиёроқ лотин алифбосидаги китоблар келтирилганми, — дейди Фарғона шаҳар АРМ ходими, кўчма кутубхоначи Гули Назирова. — Айниқса, турли халқ эртакларини болалар жуда қизиқиб ўқишмоқда...

Компютер ва шахмат тўғарақлари аъзолари билан андақкина суҳбатлашдик.

— Келажакда ким бўлмоқчисиз, —

сўраймиз Хумора Эрмахматовадан.

— Тарих фани ўқитувчиси. Аввал академик лицейда, сўнг Фарғона Давлат университетидеда ўқийман.

Ўн тўрт ёшли кизгина келажоғини аниқ-тиниқ тасаввур этади. Қарори қатъий.

Зиёдулла, Комронбек, Улугбек ва Муҳаммадюсуфлар ҳам ҳали жуда кичкина бўлсалар ҳам саволимизга бир овоздан жавоб қилишди — Алоқачи! ТАТУда ўқиймиз!

— Албатта, ота-она касбига меҳр қўйишда ҳикмат кўп, — деймиз уларнинг фикрини қувватлаб. — Бу касбни юзаки эмас, юракдан хис этиб ўясисиз, вақти келиб касбни камолга етказасиз!

Оромгоҳ болалар ҳаётига ижобий таъсир этаётганидан ота-оналар ҳам жуда мамнун.

— Менинг ўғлим Муҳаммадалига ҳам оромгоҳ ниҳоятда ёқибди, — дейди қувончини биз билан баҳам кўриб Мадинахон Тошматова. — Дўстлар орттирибди. Худди катта бўлиб, ақли тўлишиб колгандек чиройли фикрлаб, чиройли гапиряпти. У шифокор бўлмоқчи. Болаларимизнинг соғломлашуви ва яйраб — яшнаб дам олишлари учун ғамхўрлик қилаётганимизга Юртбошимизга, юқори ташкилотларимизга чексиз миннатдорлик билдираман.

Болаларнинг энг маъсуд дамларини фотоаппарат чилларига туширар эканми, дилимизда ажиб ёқимли туйғулар тўлиб тошди. Зотан, болалар учун бағишланган соатлар энг эзгу соатлардир.

"Хумо"да биринчи навбатда 260 нафар бола дам олди. Иккинчи навбатда 274 нафар бола, учинчида қишлоқ жойларидаги кам таъминланган оилаларнинг 300 нафар боласи қўшимча равишда соғломлаштирилади.

Ҳафиза САЛЯХОВА,

"Xabar"нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

Болаликнинг шодон кунлари



Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган "ЎЗИ-Қарши" филиалига қарашли "Алоқачи" оромгоҳида бўлсангиз, болажонларнинг шўх ўйин-кулгулари, мириқиб дам олаётганликларининг гувоҳига айланасиз. Тоғ ёнбағридаги табиати мафтункор, хавоסי танга роҳат бағишлайдиган бу оромгоҳда келажоғимиз эгаларининг дам олишлари, соғликларини тиклаш-

лари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Оромгоҳга олий маълумотли, ўз касбининг фидойиси, тажрибали ўқитувчи Насибулло Ҳодиев директорлик қилиб келмоқда.

— Ҳозирги пайтда оромгоҳимизда вилоятимизнинг барча туманларидан келган алоқачиларнинг 150 нафар фарзанди ёзги таътилни

кўнгили ўтказмоқдалар, — дейди Н. Ҳодиев. — Биринчи босқичда 130 нафар бола дам олиб, соғлигини тиклади. Болажонларнинг мазмунли, марокли дам олиб, яйраб ўйнашлари учун барча имкониятларни яратганмиз. Оромгоҳимиздаги ошхона, сауна, душ, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси болалар ихтиёрида.

Дам олувчилар беш жамоа, гуруҳга бўлинган. Уларга етакчилар ва тарбиячилар ажратилган. Гуруҳлар ўртасида ҳар хил маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиб борилмоқда. Бош етакчи Сарвиноз Ҳамроева, тарбиячилардан Озода Салимова, Умида Полвонова, Рустам Раҳмонов, Дилфуза Ашуровалар болажонларга меҳр билан қарашяпти. Холиса Худойназарова, Шахзод Омонов, Шохжалоҳон Абдирахимов, Ҳасан-Ҳусан Қаюмовлар каби болажонлар барча тадбирларда фаол қатнашиб, ўзларининг билимдон ва зукколикларини кўрсатишяпти. Ошпаз Ботир Очилов тайёрлаган таомлар болажонларга манзур бўлмоқда.

Оромгоҳда 2008 йилда "ЎЗИ" қўшма корхонаси оталиғида 125 ўринли замонавий ётоқхона қурилди. 150 ўринли ошхона таъмирланди. Бу йилги мавсум тугаши билан яна янги қўшимча ётоқхона қуриш, оромгоҳни капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Ҳусан РАҲМОНОВ,

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар, Яйпан, Қўқон почта алоқаси тармоқлари ходимлари — Галина ШКИН-ДЕРНИ 50 ёши, Эргашбой АШУРОВНИ 55 ёши, Вера ДВОРОВАНИ 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар бахти икболлини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Узун телекоммуникациялар боғламаси жамоаси электромонтёр Хуррам НИЁЗОВНИ 60 ёши билан табриклайди. Унга мустахкам саломатлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиалнинг 2-линия кабел кавшарловчиси Аббат ОРАЗБАЕВНИ муборак 60 ёшига тўлиши муносабати билан самийий табриклаб, унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Нишоп телекоммуникациялар боғламаси назоратчиси Амиркул ХАЙДАРОВНИ кулгуд 50 ёши, Китоб телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Неймат МУРОДОВНИ муборак 55 ёши қарши олишлари билан муборакбод этади.

А.Қодирий номидagi Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси ва касабаси уюшма қўмитаси хужжатларга қайта ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлими бош кутубхоначиси Хурбуви САРМАНОВАНИ 55 ёшига тўлиши муносабати билан самийий табриклайди. Унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлари камоллини кўриб юришликни тилайди.

Компютер ўйинлари:

Самарқанд минтақавий турнири

Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти академик лицейининг мухташам биносида икки кун давомида Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати – Uzbekistan Cyber Games Beeline 2012 минтақавий саралаш ўйинлари турнири ўтказилди. Фонд Форум, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "infoCOM.UZ" журнали ташкилотчилигида ҳамда "Билайн" уяли алоқа компанияси бош хомийлигида ўтказилган Самарқанд ва Жиззах вилоятлари геймерлари минтақавий турнири кизикarli кечди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Самарқанд вилояти худудий бошкармаси бошлиғи Т.Пўлатов, "Билайн" компанияси минтақавий филиали директори Дилшод Анарметовлар ўз сўзларида Компютер ўйинлари бўйича Миллий чемпионатни қўллаб-қувватлаётганларидан фахрланиб гапирди. Ўзбекистон ёшлари жаҳон чемпионатларида катнашиб хукукни олишига тилак билдириди.

Турнир сўнггида оммавий FIFA ўйинлари бўйича 1-ўрин Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Фирдавз Бахриевга, 2-ўрин шу лицей ўқувчиси Ўткир Абдуллаев ҳамда 3-ўрин Хамид Бобонозовга насиб қилиб, хар бир-



лари диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Counter Strike 1.6 жамоа ўйини бўйича қуйидагилар ғолиб бўлдилар:

Биринчи ўрин: Бекзод Абдурахмонов, Шерзод Ғаниев, Шомир Халилов, Ойбек Юсупов ва Шерзод Рустамов таркибидagi AIR жамоаси.

Иккинчи ўрин: Шухрат Ақромов, Якубов Шохрух, Мусаев Азамат, Мухитдинов Парвиз, Гуломов Азиз таркибидagi eT жамоаси.

Учинчи ўрин: Қудратов Самир, Абдуразаков Фаррух, Ризаев Элбек, Ахмедов Шохрухмиро, Александр Александр таркибидagi S3DR жамоаси.

1-ўрин сохиблари 11 августда Тошкентда ўтказилган миллий финал ўйинларида иштирок этадилар.

Абдуғафур ХОТАМОВ,
"Xabar"нинг
Самарқанд вилоятидаги мухбири

Бокс

Ёш боксчиларимиз шоҳсупада

Украинада бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Мусобақада 91 килограмм вазн тоифасида Ойбек Шарипов ҳамда 64 килограмм вазн тоифасида Анвар Туропов олтин, Улуғбек Мубинов ва Элнур Абдурахимов кумуш, Муроджон Ахмадалиев, Нурсултон Нишонбоев, Дадажон Турсункулов ва Алиёр Норалиев эса бронза медал билан тақдирланди.

Шахмат

Шахматчимиз – совриндорлар сафида

Шри-Ланканинг Хиккадува шахрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича Осие чемпионатида ўзбекистонлик ФИДЕ устаси Темуր Игонин 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида етти турдан иборат блиц турнирда кумуш медал билан тақдирланди. Темуր Игонин классик шахмат баҳсида ҳам муваффақиятли катнашиб, 6,5 очко билан кучли учликдан жой олди.

Реклама

"BEST GLOBE REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-қарорига асосан ўтказилган танлов савдолари натижаси

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи	Ер участкасининг жойлашган жойи	Хар бир ер участкасининг минимал қиймати (минг сўм)	Сотилиш қиймати (минг сўм)
Кўп қаватли уй-жой, савадо, мансий хизмат мажмуаси қуриш учун 2та ер участкаси	Бухоро шаҳар Б.Нақибона қўчаси ёқасида	573 300	7 000 000
Савадо ва мансий хизмат қўчаси қуриш учун 1та ер участкаси	Жондор тумани Дўстлик қўчаси ҳудудида	33 000	200 000
Савадо ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 2та ер участкаси	Когон тумани Б.Нақибона ҚФЙ ҳудудида	15 000	83 000 дан 95 600 гача
Савадо ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 2та ер участкаси	Когон тумани Нўёз Хожи ҚФЙ ҳудудида	15 000	100 000 дан 250 000 гача
Автомобилларга техник ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 2та ер участкаси	Когон тумани Тутуқуна ҚФЙ ҳудудида	30 000	100 000 дан 200 000 гача
Автомобилларга техник ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 1та ер участкаси	Когон шаҳар Бухоро шовқочаси ҳудудида	13 530	360 000
Автомобилларга савадо қуриш учун 2та ер участкаси	Когон шаҳар Ўйрамалик қўчаси ҳудудида	13 530	100 000 дан 150 000 гача
Савадо ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 2та ер участкаси	Когон шаҳар Машаал қўчаси ҳудудида	202 950, 67 650	250 000 дан 500 000 гача
Савадо ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 1та ер участкаси	Когон шаҳар Махтумқули қўчаси ҳудудида	60 434	100 000
Минимаркет ва бичиш-тичиш пези қуриш учун 2та ер участкаси	Когон шаҳар Аҳлиқал қўчаси ҳудудида	67 650, 54 120	800 000 дан 1 000 000 гача
Савадо ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 1та ер участкаси	Когон шаҳар М.Таробий қўчаси ҳудудида	103 730	800 000
Дурадорлик ва автомобилларга техник хизмат қўчаси биноси қуриш учун 1та ер участкаси	Коровулбозор тумани Тинчлик МФЙ Бобур қўчасида	47 000	60 000
Савадо мажмуалари ва мансий хизмат қўчаси биноси қуриш учун бта ер участкаси	Коровулбозор тумани Чўлуқвар МФЙ Геологар қўчасида	47 000	150 000 дан 250 000 гача
Савадо дўкони қуриш учун 2та ер участкаси	Коровулбозор тумани Илҳобор ҚФЙ Қўриқтепа қишлоғида	47 000	150 000 дан
Савадо дўкони қуриш учун 4та ер участкаси	Коровулбозор тумани Жаркок ҚФЙ Жаркок қишлоғида	47 000	70 000 дан 150 000 гача
Савадо ва мансий хизмат қўчаси мажмуаси қуриш учун 14та ер участкаси	Коровулбозор тумани А2-Бухорий МФЙ Мустақиллик қўчасида	47 000	50 000 дан 155 000 гача
Қишлоқ ҳўқалик техникалари ва автомобилларга сикдан (метан) газ қуиш шовқочаси қуриш учун 1та ер участкаси	Ромитан тумани Челоғи ҚФЙ Чапсар МФЙ ҳудудида	747 000	1 200 000

Танлов ташкилотчиси – "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти. Аукцион савдолари манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик қўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0029. E-mail: bg_realtor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Хизматлар лицензияланган

Теннис



Денис Истомин тарихга кирди

Денис Истомин "Катта дубулга" турнирининг тўртинчи даврасига чиққан ўзбекистонлик биринчи вакил бўлди ва бу билан у Ўзбекистон тенниси тарихига кирди.

Колумбиялик Алехандро Фаляни 6-3, 6-4, 3-6, 7-6 (7-5) ҳисоб билан мағлубиятга учратган ҳамюртиниз Унимблдон турнирининг тўртинчи даврасига йўл олганди. Афсуски, россиялик Михаил Южный билан кечган баҳсда Денис чорак финалга чиқиш имкониятини қўлдан бой берди.

Реклама

"BEST GLOBE REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилган очма "Аукцион" савдолари натижаси

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи	Ер участкасининг жойлашган жойи	Хар бир ер участкасининг бошланғич қиймати (сўм)	Сотилиш қиймати (сўм)
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4та ер участкаси	Вобкент тумани Халач ҚФЙ Нўёзқўча аҳоли маскани ҳудудида	320 000	400 000 дан 425 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 3та ер участкаси	Вобкент тумани Халач ҚФЙ Халач аҳоли маскани ҳудудида	320 000	390 000 дан 400 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун бта ер участкаси	Вобкент тумани Қўмушкент ҚФЙ Хўжарабола аҳоли маскани ҳудудида	320 000	400 000 дан 425 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 1та ер участкаси	Вобкент тумани Қўнгирот ҚФЙ Косари аҳоли маскани ҳудудида	320 000	400 000
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Вобкент тумани Имомқоziхон ҚФЙ Калти аҳоли маскани ҳудудида	320 000	425 000 дан 450 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 10та ер участкаси	Ромитан тумани А.Навоий МФЙ Лағлака қўчаси ҳудудида	639 000	800 000 дан 1 000 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Когон тумани Сараён ҚФЙ Сараён қишлоғи ҳудудида	252 000	450 000 дан 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Жондор тумани Оқоғи ҚФЙ Тўлсабо қишлоғи ҳудудида	373 200	650 000 дан 800 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4та ер участкаси	Вобкент тумани А.Донини қўчаси ҳудудида	740 000	900 000 дан 1 000 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 3та ер участкаси	Вобкент тумани Имомқоziхон ҚФЙ Имомқоziхон аҳоли маскани ҳудудида	320 000	400 000 дан 450 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Кочинлар МФЙ Деча афшон қишлоғи ҳудудида	252 000	350 000 дан 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 7та ер участкаси	Вобкент тумани Харғуш ҚФЙ Тағалак қишлоғи ҳудудида	320 000	420 000 дан 450 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4та ер участкаси	Вобкент тумани Ўба Қўластон қўчаси ҳудудида	320 000	970 000 дан
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Жондор тумани Хумин ҚФЙ Қишлоқ қишлоғи ҳудудида	373 200	500 000 дан
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 1та ер участкаси	Вобкент тумани Имомқоziхон ҚФЙ Калти аҳоли маскани ҳудудида	320 000	500 000
Кўп қаватли турар жой биноси қуриш учун 1та ер участкаси	Бухоро шаҳар А.Жомий қўчаси ҳудудида	7 396 200	9 650 000

"Аукцион ташкилотчиси" – "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти. Аукцион савдолари манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик қўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0029. E-mail: bg_realtor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Хизматлар лицензияланган

Футбол

"Ардус" – ярим финалда!

Футзал клублари ўртасидаги Осие чемпионати гуруҳ босқичининг хал қилувчи ўйинида Таиланд чемпиони "Банк Рбак"ни 9:2 ҳисобида мағлуб этган Тошкентнинг "Ардус" клуби ўз тарихида илк бор мазкур мусобақанинг ярим финалига йўл олди. Уч учрашувда олти очко тўплаган мамлакатимиз чемпиони гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритди. Энди "Ардус" ярим финалда Катарнинг "Ал-Райян" клубига қарши кураш олиб боради.

Испания – Европа чемпиони!

Евро-2012нинг финалида Италия терма жамоасини мағлубиятга учратган испан футболчилари китла чемпионлигини қўлга киритдилар. Испания – Италия: 4:0. Голлар: 1:0 – Силва (14), 2:0 – Алба (41), 3:0 – Торрес (84), 4:0 – Мата (88). Ушбу ғалаба Испанияга тарихда биринчи марта кетма-кет Европа чемпионатида ғолиб бўлган жамоа номини келтирди. Жамоа бош мураббийни Висенте дель Боске эса биринчи бўлиб, ҳам Жаҳон, ҳам Европа чемпионлар лигаси, ҳам Европа чемпионатида ғолиб бўлган мураббийга айланди.

Ўтавларнинг охириги обод бўлсин

ЎзААА Наманган вилояти худудий бошкармаси жамоаси "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали мутахассиси Раҳимжон Туреуновга акаси Садриддин ТУРҒУНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жаҳондаги энг кекса аёл Ўзбекистонимизда, Тўртқўлда истиқомат қилади.

Уч аср гувоҳи



Расмий маълумотларга кўра, онахон 1880 йилнинг 1 июл куни таваллуд топган. Навбатдаги айёмни Тўти Юсупова уйда, яқинлари бағрида кутиб олди.

Тўртқўлликлар фахрига айланган онахон учинчи авлод оиласи билан яшаб келяпти. Кўп вақтини тўшақда ўтказса-да, кўриш қобилиятини йўқотмаган, келганлар билан бемалол суҳбат куради.

Тўти Юсупова 17 ёшида турмушга чиқиб,

икки фарзандли бўлган. 1940 йили турмуш ўртовидан, кейинчалик ўғлидан ажраган. Қизи эса ҳаёт — хозир 100 ёшда.


2008 йили онахон Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға кўра, "Шухрат" медали билан тақдирланган.

Тўти Юсупова ҳақида "Қорақалпоқфилм" киностудияси "Уч аср гувоҳи" номли ҳужжатли филмни суратға олган.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди

Реклама

Кроссворд



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

АЙЛАНА ЁНИГА: 5. Таксичи. 7. Учувчи ёки шу соҳа кишиси. 9. Бошқа мамлакатта кўчиб келган шахс. 10. Жумбоқ. 11. Шри.... 12. Салатлар учун асосий қўшимчалардан бири. 13. Жануби-Шарқий Осиёда яшовчи халқ. 14. Тезликда амалға оширишни назарда тутувчи феъл шакли. 15. Қадимда бўлгани каби, замонавий шахарларда ҳам у ўз ўрнига эга.

АЙЛАНА МАРКАЗИГА: 1. "Кўплаб саргузаштлардан сўнг ...лар мақсадларига етишди ва "Олтин барра"ни Юнонистонга қайтаришди". 2. АҚШдаги штат. 3. Жиловли. 4. Шоира Анбар ... 6. Баҳорнинг шифобахш кўкати. 7. Америка мобил алоқа оператори (қисқартма). 8. Қизлар исми.

Газетанинг 29 июн, 26 (1032)-сонида чоп этилган "Соккер" кроссвордининг жавоблари:
Тилмоч. Кланг. Пятак. Сепкил. Таймир. Лирика. Иккала. Соккер. Тарил. Истара.
Савлат. Вокзал.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ТОРГОВАЯ КОМПАНИЯ ООО HONGTAIXIANG SUAR

Международная торговая компания ООО Hongtaixiang SUAR была создана и зарегистрирована в тех-парке в 2007 году. Ее деятельность охватывает импортно-экспортную торговлю, стройку, международный электронный бизнес, торговле-экономическую консультацию и т.д.

Корпорация возглавляет гендиректор, под его руководством действуют отделы менеджмента, финансов, информации, международной торговли производства, маркетинга и отдел снабжения.

Корпорация поддерживает культурные и торговые контакты с больше десяти странами, в том числе Казахстан, Узбекистан, Россия.

Корпорация вполне используя всякие превосходства тех-парка, получил права на импорт и экспорт, активно развивает деловую связь с центральноазиатскими странами в области пограничных туризма, шопинга и экспорта. Корпорация установила свою бизнес-представительство в городе Алматы Казахстана.

Корпорация вполне используя китайско-узбекскую электронную импортно-экспортную биржу, адаптируясь по течению развития электронной торговли, принимает активное участие в глобальной конкуренции, и тем самым вышла на переднее место в области торговой транспортировки.

Корпорация придерживается принципов честности, деловитости, взаимной выгоды, опираясь на свое преимущество "качества, цены и обслуживания" и завоевала доверие у многих китайских и зарубежных клиентов.

Ваше удовлетворение — наше стремление. Мы готовы вместе с китайскими и зарубежными коллегами стремиться к совместному развитию в целях создания светлого будущего!

Телефон: (+86) 992-3293032
Факс: (+86) 992-3901553
E-mail: xjhtxj@163.com
Сайт: http://batchsxek.com

Ташкент, Анж. моб.: (+86887) 7987866,
(+86887) 7967088 скан: anjhd0311
Урғмчи. Максим. моб.: (+86) 13899886032
офис: (+86) 891-4668929 скан: cy_shit



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатта олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ,
Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ,
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланши мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-752 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 14662 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 232-97-86 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99